

# TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline\_24

Haqiqat online

haqiqatonline\_



QR-kod

## ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ЯНГИ ТАЖРИБА

Жорий йилнинг 11 апрель куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида юртимизда ёшлар сиёсати борасидаги ишлар натижадорлигини ошириш, ёшлар билан ишлашнинг янги тизимини жорий этиш борасида долзарб масалалар ўртага ташланиб, мутасадди раҳбарлар зиммасига алоҳида вазифалар юкланди.

Кун тартиби

Шунга мувофиқ, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларнинг ижтимоий аҳоли, қобилияти ва қизиқишларини ўрганиш, уларни 3 тоифага ажратиш, ёшлар билан манзилли, аниқ мезонлар асосида ишлаш тизими яратилди. Республика-мизнинг барча ҳудудларида ёшлар қайта хатловдан ўтказилди, муаммолар чуқур ўрганилди ва ҳар бир ёш ҳудуддаги тегишли раҳбарларга бириктирилди.

Айни кунларда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, уларнинг барча ўринбосарлари, сектор раҳбарлари, бошқарма ва ташкилотлар масъуллари тоифаларга киритилган ёшлар билан ишлаб,

уларнинг муаммоларига ечим излаш, ғамхўрлик қилиш ва доимий қўллаб-қувватлаш билан машғуллар.

Куни кеча вилоят ҳокими Зойир Мирзаев ҳам Оққўрғон ва Қуйи Чирчиқ туманларида ўзига бириктирилган ёшлар истиқомат қилаётган хонадонларда бўлиб, улар билан дилдан суҳбатлашди, муаммоларига қулоқ тутди.

Хусусан, Оққўрғон туманининг "Қўрғонтепа" маҳалласида истиқомат қилаётган 28 ёшли Ойбек Тошпўлатов анча йиллардан бери темирчилик билан шуғулланади. Утган йили ёшлар етакчиси тавсияси билан кредитга мотокультиватор

олди. Маҳалладошларининг ерларини ҳайдаб, даромад қилишни бошлади. Бу орада темирчиликни ҳам ташлаб қўйгани йўқ. У ясаган хўжалик моллари – кетмондан ўроғу белкуракча – ўз хариддорларига эга. "Нима муаммойинг бор, эшитаман" деб эшик қоқиб келган вилоят ҳокимига Ойбек кейинги пайтлар соғлиғи билан боғлиқ безовталикдан сўз очди. Шу сабабли ҳунари билан шуғулланишга қийналаётганини айтди. Муаммо зудлик билан тегишли мутасаддиларга етказилди ва назоратга олинди.

2

### Маънавият

## КУТУБХОНА АФЗАЛМИ, "ЮТУБХОНА"МИ?




Биз Янги Ўзбекистон кутубхоналарини қандай тасаввур қиламиз? Учинчи Ренессансни кўзлаган халқ учун замонавий ахборот-кутубхона марказлари фаолиятини қай тартибда ташкил қилишимиз керак? XXI аср кутубхоначиси ўзида қандай билим ва кўникмаларни шакллантириши лозим? Бугун бу тизимдаги ҳар бир ва-

килни ўйлантириши керак бўлган саволларга баҳоли қудрат жавоб изладик. Зеро, изланиш кутубхоначининг бугунги ўқувчидан устунлигини таъминлайди.

### ЗАМОНАВИЙ КУТУБХОНА ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Кутубхона хизматларидан янгича усулларда фойдаланишнинг истиқболли имкониятлари мавжуд. Бугун кутубхоналар фақатгина маълумот базаси эмас, том маънода жамиятнинг ажралмас бўлаги, одамларнинг кадрдон масканига айланиши керак. Бунинг учун кутубхоналар жаҳон тажрибасидан ўрнак олиб таълимни қўллаб-қувватлаши, сўнгги технологиялардан фойдаланиши, маҳаллий бизнесга ёрдам бериши ва бошқа чораларни кўриши муҳим.

Ҳар бир замонавий кутубхона барча эҳтиёжларга жа-



воб бериши ва турли тоифадаги ташриф буюрувчиларни жалб қилиш учун керак бўладиган айрим жиҳатларни санаб ўтаем.

Биринчидан, кутубхоналарда гуруҳ бўлиб ёки оилавий суҳбатлашиш ва мунозара ўтказиш имкониятини яратиш керак. Натижада, илм масканининг бир қисми дарслар, тренинглари, жамоат тадбирлари, учрашувлари, китобхона клублари, ёшлар учун дастурлар ва бошқалардан фойдаланиш марказига айланади.

Иккинчидан, юқоридаги гавжумлик баробарида кутубхонанинг бир қисми сокинлигини сақлаб қолади. Асрлар давомида кутубхона билимларни истеъмол қилиш учун асосий макон бўлиб келган. Мулоҳаза юритиш анъанавий кутубхона хизматларининг маркази бўлиб, асосий эътибор иложи борича кўпроқ билим тўплашга қаратилган. Бугунги кунда одамлар доимий равишда ахборот олиш имкониятига эга. Энди кутубхона билим олишнинг ягона манбаи эмас.

Шунга қарамай, фойдаланувчилар сокин ўқиш жойларини қадрлайди. Шу сабабли, одамлар ҳали ҳам босма китоб ёки электрон ресурсни ўқиш, ўз фикрларини тартибга солиш ёки кундалиқ ташвишларга чалғимасдан ишлаш учун сокин маскан излаб кутубхонага интилади.

Бугун ёшлар чексиз ахборот оқими ва техника шовқини орасида ўсмоқда. Аммо бундай шароитда илмий ва ижодий фаолият билан шуғулланиб бўлмайди. Ёшлар ўзи ёлғиз қолиб режаларини пишиштириш мақсадида тинчроқ жойга эҳтиёж сезади. Турли хиебонлар, кафелар ўрнига кутубхоналар бу вазифани аъло даражада ундайди. Муҳими, энди кутубхонага келган ҳар бир одамдан мутолаани талаб қилишимиз керак эмас. Демак, кутубхонанинг бир бурчагини шинам ва қулай жиҳозланган залга ажратсак, фойдаланувчилар уларини эркин ҳис қила олади.

2

## Ўовлидаги "ХАЗИНА" томорқа хизматлари кўрсатувчи тузилмалар аҳолига катта имкониятлар яратмоқда



Бугун бозорларимиздаги сархил мева-ю сабзавотлар, турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда нафақат деҳқон ва фермерлар, балки аҳолининг ҳам ҳиссаси ортиб бормоқда. Мазкур йўналишда кўрилатган чора-тадбирлар, Президентнинг аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишига оид қатор қарорлари мазкур йўналишда кенг имтиёз ва имкониятларни яратиш берди. Натижада ўз томорқасида экин-тикин экиб, ундан фойда олаётган, даромадларини ошираётганлар кўпайди.

(Давоми 2-саҳифада)

Жараён



### Кун тасвири

Ёшлар ишлари агентлиги **ТОШКЕНТ** вилояти бошқармаси ташаббуси билан ҳудудлардаги фаол ёшлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларининг Шахрисабз шаҳрига саёҳати ташкил этилди. Саёҳат давомида ёшлар кўҳна кентнинг диққатга сазовор жойларида бўлиб, қўллаб маълумотларга эга бўлдилар.

**ТОШКЕНТ** туманида "Аёллар дафтари"да турган хотин-қизлар учун 23-оилавий поликлиникада бепул тиббий кўрик ташкил этилди. Бу гагги бепул тиббий кўрикка "Кенсой", "Авлиё ота", "Раҳбаробод" ва "Ойдин ҳаёт" маҳаллаларида истиқомат қилувчи аёллар таклиф қилинди.

**ОЛМАЛИҚ** шаҳар мактабга-ча ва мактаб таълими тизимда хорик тажрибасини татбиқ қилиш мақсадида Финляндиядан таклиф этилган педагог жаноб Петри иштирокида семинар ташкил этилди. Семинар давомида таълим тизимида йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларни бартараф этиш механизмлари ҳақида фикр алмашилди.

**ОҲАНГАРОН** шаҳар ҳокими А. Эшонқулов "Ёшлар маркази"да "огир" тоифадаги ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан яқиндан танишди. Ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича тавсия ва амалий ёрдам берди.

**ПИСКЕНТ** туманидаги "Mark Formelle" МЧЖ қошида амалиёт мономаркази фаолияти йўлга қўйилди. Мономарказда корхона томонидан ишсиз аёлларга амалий ва назарий машғулотлар олиб борилиб, малакали мутахассислар тайёрланади ва корхонанинг ўзига ишга қабул қилинади.

## Кўнглиш ободнинг МАҲАЛЛАСИ ҲАМ ОБОД

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, ҳалол меҳнати ортидан нафақат оила фаровонлигини таъминлайди, балки жамият ривожига ҳисса қўшади, эл орасида ҳурмат топиб, обрў-эътибор қозонади.

Зангиота тумани "Бодомзор" маҳалласида умргузаронлик қилиб келаётган Шуқурилло Ҳамидуллаев ана шундай инсонлардан.

У бутун ҳаётини қишлоқ хўжалигига бағишлаган. Қаровсиз қолган ерларни ўзлаштириб боғ яратади, ҳудуд иқлимига мос экинларни экиб, мўл ҳосил олади. Шуқурилло ака омилкорлиги, уддабуронлиги, қолаверса, меҳнатсеварлиги боис эл орасида ҳурмат қозонган. Шунинг учун маҳалла аҳли уни ўзларига раис қилиб сайлашган.

Шу-шу Шуқурилло аканинг бир оёғи далада, иккинчиси маҳаллада. Ўзи тумандаги энг илғор фермерлардан. У фермер хўжалигини 2006 йилда ташкил этган бўлиб, у ерда асосан ғалла, сабзавот ва қулуннай етиштиради. Хўжаликда 10 нафар ходим иш билан банд.

2



### ДИҚҚАТ!

## ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ ХИЗМАТЛАР БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Олмалик кон-металлургия комбинати Истеъмол моллари ишлаб чиқариш бошқармаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва ем-хашак тайёрлаш участкасининг 600 гектар ер майдонида етиштирилган

бугдой ҳосилини талафотларсиз йиғиб олиш мақсадида махсус дон ўриш комбайнларига эҳтиёжи борлиги сабабли бугдой ўриш ва йиғиб олиш хизматларини харид қилишни эълон қилади.

Тижорат таклифларини куйидаги сайтга жўна-тишларини сўраймиз:

Сайт: etender.uzex.uz  
Лот номери 263967

Реклама ҳуқуқи асосида





# ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ЯНГИ ТАЖРИБА

Вилоят раҳбари Қўйи Чирчиқлик ноғиронлиги бўлган ёшлар билан ҳам бевосита хонадонда учрашиб, суҳбатлашди. Вилоят ҳокими уларнинг дардига қўлоқ тутиб, саломатлигини тиклашга қўмаклашиш учун ҳар бир ёшни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, 3 нафарини амбулатор шартда, 2 нафарини республика миқёсидаги тиббиёт марказларида стационар даволаниши учун юбориш масаласини жойида ҳал этиб берди.

Қўйи чирчиқлик  
Ғиёсиддин Тошметов 20  
(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ёшда. Мактабни битиргач, на ўқишга кирди, на бирон ишининг бошини тутди. Отаси мотокультиватор ёрдамида ерларни ҳайдаб рўзгор тебратди, Ғиёсиддин эса ёрдам беради. Вилоят ҳокими билан суҳбатда агарда имкони бўлса ўзига алоҳида мотокультиватор олиб беришларини сўради. Ушбу мурожаат ҳам ҳокимнинг эътиборидан четда қолмади.

– Ғиёсиддинга керакли техникани берамиз, шу билан у отасига қўл-қанот бўлади, оила бюджетига ҳисса қўшади. Унинг ҳаракатчилиги ён атрофдаги-

ларга ҳам ўрнат бўлади, – деди вилоят ҳокими.

Деярли кун бўйи давом этган мулоқотларда қўлаб ёшларнинг ана шу каби муаммолари ўрганилди.

Таъкидлаш жоизки, вилоят ҳокимига бириктирилган ёшларнинг 10 нафариданоғиронлик бор. 3 нафари профилактик ҳисобда, 2 нафари пробация назоратида туради. Уч нафар ўсмир таълим муассасасида узлуксиз дарс қолдиришга оdatланган. Уларнинг муаммолари ўрганилганда, 7 нафари тиббий ёрдамга муҳтожлиги маълум бўлди. 2 нафар ёш пробация назоратидан озод этиш, икки нафари кон-

**Вилоят ҳокими Зойир Мирзаев Оққўрғон ва Қўйи Чирчиқ туманларида ўзига бириктирилган ёшлар истиқомат қилаётган хонадонларда бўлиб, улар билан дилдан суҳбатлашди, муаммоларига қўлоқ тутди.**

тракт-тўловга ёрдам қилиш, бир нафари ишга жойлашди, икки нафари такрорий экин экиш учун галладан бўшаган майдондан ер ажратиш юзасидан қўмақ сўради. Вилоят етакчиси ҳар бир мурожаатни астойдил тинглади, ёшларнинг ташаббуслари, фикр-мулоҳазаларини эркин баён этишларига қўйиб берди. Шу сабабли орада илқ, самимий муҳит пайдо бўлди. Бу эса, пировадда, муаммоларнинг осон ва ҳамжихатликда ҳал этилишига имкон яратди.

Бу каби учрашувлар ҳали давом этади.

**Ўткир ҲОШИМОВ**  
*Тошкент ҳақиқати*

## ЭНГ МУҲИМИ – ЯРАТУВЧАНЛИК

Кутубхоналарда шароит яратиш ва ходимларга эътиборни параллел олиб бориш – замон талаби. Бугун дунё давлатлари кутубхоналарида хизмат қилаётган кадрлар қатор фазилатларни ўзида жамлашга ҳаракат қилмоқда. Улардан айримларини келтириб ўтамиз:

**Соғлиқ.** Бу бошқаларга эҳтиёж бўлса, биз учун мажбуриятдир. Бугун кутубхоначилар ҳам кабинетга қамалиб ўтиролмайдилар. Улар жойларга чиқиши, баъзан кун бўйи тарғибот тадбирларида, ҳалқ билан мулоқотда бўлиши мумкин. Бундай ишлар учун ажойиб соғлиққа эга бўлишимиз керак.

**Куч.** Кўчаларда, дала тадбирларида ҳар доим кўп-кўп кутубхона инвентарлари мавжуд. Токчалар, жа-

Аслида кутубхоналар “халқ университети” вазифасини бажаради. Ахборот-кутубхона марказлари ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан қатъи назар, барча одамлар учун бепул маълумот ва таълим имкониятларини тақдим этади. Шунингдек, кутубхоналар масофавий ўқиш имкониятларини тақдиф этади, бу кутубхонага кела олмаганлар учун кутубхонанинг маданий ва маърифий тақдифларидан фойдаланишга имкон беради.

## КИТОБ – ИШОНЧЛИ МАНБА

Ҳозирги кунда биз кундалик ҳаётимизда маълумот олиш учун Интернетга жуда боглиқмиз. Бироқ, бу маъ-

**Бугун ёшлар чексиз ахборот оқиши ва техника шовқини орасида ўсмоқда. Аммо бундай шароитда илмий ва ижодий фаолият билан шуғулланиб бўлмайди. Ёшлар ўзи ёлғиз қолиб режаларини пишитиш мақсадида тинчроқ жойга эҳтиёж сезади. Турли хиёбонлар, кафелар ўрнига кутубхоналар бу вазифани аъло даражада уddалайди.**

лари, тренинглр, курслар, илмий нашрлар ва бошқалар каби сон-саноксиз ресурсларни тақдим этади. Оммавий кутубхоналар ўз хизматларини нафақат юзма-юз кўрсатишди, балки уларнинг баъзиларида электрон таълим ҳам интеграциялашган.

Умуман олганда, кутубхоналар жамиятда муҳим



вонлар, столлар, китоблар – буларнинг барчасини олиб юриш ва жойлаштириш куч талаб қилади, албатта.

**Ҳайдовчилик.** Бизга бошқача эшитилса ҳам бугун

лумот ҳар доим бизга тўғри жавоб берадими? Маълумки, Google каби қидирув тизимлари бизга саволлар ёки калит сўзларимизга қараб маълумот беради, шунинг учун

роль ўйнайди. Улар одамларга билим доирасини кенгайтириш ва жамиятда муносиб ўрин топишга ёрдам беради. Шу сабабли вақт ўтса ҳам кутубхоналар йўқолиб кетмайпти. Ахир, одамларнинг маълумот топиши ва уларни бошқалар билан улашишга ёрдам берадиган умумий майдон кутубхоналар ҳисобланади.

Оқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқадики бундан кутубхоналар яшайди. Зеро, дунёнинг энг тараққий топган давлатларида ҳам муҳташам

## Кутубхоналар тарихни, энг муҳими, ҳақиқатни сақлайди.

дунёда автомобиль бошқара оладиган кутубхоначилар хазина мисол қадрланади.

**Кўп тармоқли IT мутахассиси.** Замонавий мутахассис нафақат Word нима эканлигини билиши, балки PhotoShop, видеомонтаждан моҳирона фойдаланиши, коллажлар, гифлар, мультфильмлар ва бошқаларни яратиши керак. Бундан ташқари тармоқлар, улар орқали халқ орасига кириб бориш мумкин эмас.

**Ижодкорлик.** Пресс-релизлар, даврий нашрларга мақолалар, кутубхонадаги блог постларни ёзиш кутубхона мутахассислари учун энг қийин ишлардан биридир. Шунга қарамай, ижодкорлик бўлмаса ўқувчиларни мутолага жалб қилиш қийин кечади. Яратувчанлик иштиёқи барча соҳаларда қадрланиши сир эмас.

биз олган маълумотлар ҳар доим ҳам тўғри бўлмаглиги мумкин. Агар маълумот сўраб кутубхонага мурожаат қилсакчи?

## Кутубхоналар бепул таълим ресурсларини тақдиф қилади.

Кутубхоналар тарихни, энг муҳими, ҳақиқатни сақлайди. Қадимги Рим империяси давридан бошлаб кутубхоналар тарихий, адабий, муслиқий, ҳарбий ҳужжатлар каби турли хил маълумотларни сақлаган. Ўтган 2000 йил ичида жуда кўп ўзгаришлар ва инновациялар содир бўлган бўлса ҳам, кутубхоналар ташриф буюрувчиларга ўзлари излаётган маълумотни тақдим этиш ва ҳақиқатни айтиши билан ўзларининг асосий мақсадини сақлаб қолган. Ташриф буюрувчилар қандай маълумот излаётган бўлишдан қатъи назар, малакали ва яхши ўқитилган кутубхоначилар ёрдамида осонгина топишлари мумкин.

Интернет изловчига юз минглаб жавобни қайтариши мумкин. Кутубхоначи эса унга тўғриси кўрсатиб қўя қолади.

Хамма гап кутубхоналарни ва кутубхоначиларни замон суратига мос ўзгаришида. Ахир, компьютерхоналар, тунги клублар, кафе-барлар муҳташам, қўлай, иссиқ бўлса-ю кутубхоналар тор, зах ва қоронғу бўлса ёшлар қарни танлаши аниқ-ку.

Шу мақсадда сўнгги йилларда кутубхоналарга эътибор энг кўйи бугун ҳисобланмиш шаҳар ва туманлардаги ахборот-кутубхона марказларидан бошланди. Таъбир жоиз бўлса, кутубхоналар худудларнинг “маънавий пойтахти”дир. У ердаги кутубхонанинг аҳоли ўша жой раҳбарияти ва халқи савиясини белгилаб беради.

**Гулбоҳор САФАРОВА,**  
**Ангрэн шаҳар Ахборот-кутубхона маркази директори,**  
**Ахборот-кутубхона аълочиси**

# Кўнгли ободнинг МАҲАЛЛАСИ ҲАМ ОБОД

– Чин дилдан меҳнат қилсанг барака ўз-ўзидан келади, – дейди Шуқурилло ака. – 2 гектар майдондаги қулупнайдан қўзланган ҳосилимизни олдик. Эндиги навбат – галлага. Шуқури, бу йилги аномал совуқ ҳосилга зарар etkazмади. Ойнинг ўрталарида бундоғай ўроқ тушади. Ер галладан бўшагач, такрорий экинлардан сабзи, картошка экишга киришамиз. Хуллас, ҳўжалигимизда йил бўйи иш қайнайдилар.

Дарвоқе, Шуқурилло ака ҳўжалиқдаги ерининг бир қисмини маҳаллада муқим ишга эга бўлмаган 20 нафар фуқарога 15 сотихдан бўлиб берган экан. Улар шу ерда ҳалол меҳнатлари ордидан рўзгор тебратилмоқда. Баҳодир Юнусов ана шундайлардан.

– Раисимиз барака топсин, қўлидан нима ёрдам келса аямайди, – дейди Баҳодир. – Ерни ҳайдаб, экинга тайёрлаш дейсизми, қўчат экиш дейсизми, барчасида ёрдам беради, йўл-йўриқ кўрсатади. Мана, қулупнайларимиз ҳам охираб қолди. Яна бироз жойга жўхори экиб қўйганмиз. Ер бўшагач, картошка ва сабзи экамиз. Ишқилиб, тирикчилигимиз ер орқали ўтиб турибди. Шуқр.

Маҳаллада 2 минг 15 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар, асосан, деҳқончилик ва томорқачилик билан шуғулланишди. Қолаверса, кўпгина аҳоли худуддаги 20 га қиш ишлаб чиқариш корхоналарида иш билан банд.



**Томорқа соғлом турмуш тарзининг асосидир. Ҳар бир оила ҳовлисидаги ердан унумли фойдаланса, аввало, ўша хонадоннинг дастурхони тўкин, унда ўсаётган авлод жисмонан соғлом бўлади. Оиланинг иқтисодий аҳволи ҳам яхшиланиб, турмуши фаровонлашади.**

Раиснинг ёрдами билан кредит олиб, уйда иссиқхона қуриб, меҳнат қилаётган Зўхра опа Ҳамидуллаеванинг хонадони кейинги манзилимиз бўлди.

Хонадонга кирганимизда 4 сотихдан қурилган 2 та иссиқхонада помидор ҳосили етилиб турганининг гувоҳи бўлдик.

– Томорқа соғлом турмуш тарзининг асосидир, – дейди Шуқурилло ака. – Ҳар бир оила ҳовлисидаги ердан унумли фойдаланса, аввало, ўша хонадоннинг дастурхони тўкин, унда ўсаётган авлод жисмонан соғлом бўлади. Оиланинг иқтисодий аҳволи ҳам яхшиланиб, турмуши фаровонлашади.

Кўнгли ободнинг – юрти обод” дейдилар. Дарҳақиқат шундай. “Бодомзор” маҳалласида ана шундай кўнгли обод инсонлар кўп. Шунинг учун масканда ўзгаришлар катта. Бир пайтлардаги эски, тўкилиб тушай деб турган уйлар ўрнида янгилари қад ростлади. Сув қувурлари янгисига алмаштирилди, бетон симёғочлар ўрнатилди, кўчалар ёритилди. Асфальт янгиланди. Бирорта ишлаб чиқариш корхонаси бўлмаган маҳаллада йил сайин уларнинг сони ҳам ортмоқда. Ишсизлик энди маҳалла аҳлига бегона. Чунки бу ерда “бешлик” ҳамжихатликда ишлаяпти, ҳар бир оиланинг қувончи, дарду ташвиши билан яшамоқда. Уларга эса Шуқурилло ака бош-қош бўлиб, ҳар бир хайрли ишда ордидан эргаштирмоқда. Пировадда аҳоли рози, ўтаётган кунидан мамнун. Бизни қувонтирадиган ҳам шу, аслида.

**Нозима РАСУЛОВА**  
*Тошкент ҳақиқати/Жалолддин ЭСОНОВ олган суратлар*

# Ўовлидаги "ХАЗИНА" томорқа хизматлари кўрсатувчи тузилмалар аҳолига катта имкониятлар яратмоқда

Шу боис зарур ва ўз ресурсларни etkazиб беравери, молиялаштирувчи “Томорқа хизмати” фаолияти йўлга қўйилди. Улар ишининг илк куниданоқ аҳолига қўмакчи бўлиб, томорқа ерларини шудгорлаш, зарур уруғлик ва қўчат etkazиб бериш, хонадонларга ихчам иссиқхона қуриш каби хизматларни олиб бормоқда.

Пискент туманида жами 29 та маҳалла бўлиб, уларда 17 минг 952 нафар томорқа эгалари мавжуд. Бу мавсумда 2 минг 26,5 гектар майдонга эртаки экинлар экилди. Бу ерда асосан, “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида маҳсулот этиштирилади. Масалан, “Минг тепа”, “Янги-обод”, “Бекобод” худуди узумчиликка ихтисос-

лашган бўлса, “Бирлик”, “Файзобод”, “Сувти” маҳалласи сабзавотчиликка, “Култепа”, “Мустақиллик” аҳолиси кўпроқ картошка этиштирса, ғайратликлар қулупнай, Навоий худуди эса булғор қалампир ва қалампир этиштиришга мослашган.

Тумандаги “Муҳаммадазиз – Мадина” МЧЖ 2 йилдан буён ана шу маҳалла аҳлига сифатли томорқа хизматини кўрсатиб келмоқда. Даставвал жамият томонидан мингта хонадонга хизмат кўрсатилган бўлса, бугунги кунга келиб хонадонлар сони 7 мингтадан ошди.

– 18 йилдан бери деҳқончилик билан шуғулланаман, – дейди янгиободлик Фарҳод Ибрагимов. – Асосан, помидор ва жўхори

етиштираман. 40 сотихча ерим бор. Уруғ, экин учун керакли дориларни “Муҳаммадазиз – Мадина” томорқа хизмати дўконларидан оламан. Мутахассислари жуда малакали. Экиннинг ҳолатига қараб зарур ўғит ва кимёвий воситаларни беришади. Маслаҳатларини аяшмайди. Мана, шунинг учун ҳам ҳосилдорлик анча яхши.

Томорқа хизмати қошида “Ўсимликлар лабораторияси”нинг ташкил этилгани аҳоли учун аини мудоао бўлмоқда.

– Лаборатория хизмати мутлақо бепул, – дейди “Муҳаммадазиз – Мадина” томорқа хизмати бош менежери Шерзод Раҳмонов. – Мижозларимиз касалланган экинларидан намуна олиб келишади. Уни лаборатория-



да текшириб, қандай касалликка учраганини аниқлаймиз ва шунга қараб чорасини айтмиз. Зарурат тугилса, уйларига бериб хизмат кўрсатиб келяпмиз.

Мазкур жамият хизматидан фойдаланиб келаётган намунали томорқачилардан яна бири Ёркин Раҳмонов. У ўзининг 14 сотихли иссиқхонасида йил бўйи қалампир этиштириб келади. Ёркин ака юқори ҳосилдорликка эришиш учун банкдан кредит олиб, томчиликта сўғориш тизимини ўрнатди. Уддабуронлиги,

омилкорлиги сабаб тадбиркор ўтган йили “Намунали томорқачи” кўрак нишонини олди.

– Иссиқхонага томчиликта сўғориш тизимини ўрнатганимиз аини мудоао бўлди, – дейди Ёркин ака. – Бунинг афзаллик жиҳатлари ҳам кўп экан, сув исроф бўлмайди, ўғит томчиликта ортиқ берилса, ўсимлик илдизига қа боради. Энг муҳими, экинни бегона ўтлар босиб кетмайди.

Дарвоқе, пискентлик миришкорлар орасида Ёркин акадек омилкор, ерининг тилини яхши тушунадиган деҳқонлар кўп-кўп топилади. Муҳими, улар томорқа хизматидан унумли фойдаланиб, дастурхонимизни турли мева ва сабзавотлар билан тўлдиршида ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

**Нозима АРСЛОНОВА**  
*Ўткир ҲОШИМОВ олган суратлар*



Ватан сўзига таърифу тавсифлар бисёр. Она юрт, она тупроқ, жаннатмакон диёр, жонажон ошён, боғу бўстон, чаману гулистон бу Ватан. Аслини олганда, бу муқаддас тушунчага қандай сифат берсак, номини қанча улуғласак шунча кам.

Бежизга сўзимиз муқаддимасини барча учун азиз бўлган Ватан туйғуси, унинг қадри ҳақида бошламадик. Ҳозир ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз вилоятимизда умргузаронлик қилиб келаётган, ўзи хорижлик бўлса-да, анча йиллардан бери юртимиз тупроғини ардоқлаб, она заминимизни ўз Ватанидек суйган, бироқ қўлида на бир ҳужжати ва на бир фуқаролиги бўлган, хуллас, йилларки шу мамлакат ривожини, унинг тараққиётига ҳисса қўшиб келаётган, аммо яқин-яқингача "она ватан" дея тан олган юртида ўзини бегонадек ҳис қилиб яшаган ватандошимиз ҳақида.

Асли тожикистонлик Зулфия ая Турсунова салкам ярим асрдан бери мана шундай фуқаросизлик захмати чекиб келганлардан бири. Тақдир эканда, ая 1973 йида Бекобод туманига келин бўлиб тушади. Шу ерда яшаб, фарзандларини ўқитиб, уйл-жойли қилади. У ўтган йилларда кўрган кечирганларини айтар экан, "яшил паспорт"и бўлмагани боис қанча овора-ю сарсон бўлганлари, дуч келган қийинчиликларини эслаб юзига бироз гамгинлик югурди.

Э-э, кўрган-кечирганларим шу бўлсин экан-да, дейди онахон. Шу ҳужжатим йўқлиги сабаб қанча қийинчиликларни бошимдан ўтказмадим-а?! Тожикистондаги қариндошларимни бориб кўраман дейман, кўролмайман. Туй-маъракаларига боролмайман. Ҳатто, нафақага чиқишим керак бўлган пайтда

ҳам паспортим йўқлиги панд берди. Мана 70 ёшга тўлдим, ҳалигача нафақа олмайман. Дарҳақиқат, сабр-қаноат, шукроналик ортидан келган ҳурсандчилик – чинакам бахт асли. Мана шу бахтиёр

Бахтиёрлик шуқуҳи

ФУҚАРОЛИК НАШИДАСИ

оиланинг узоқ вақт, таъбир жоиз бўлса 50 йиллик орузи ушалмоқда. Зулфия ая Ўзбекистон фуқаролигини олиш арафасида.

Биласиз, фуқаролик ҳужжатларини тиклаш осонмас, бунинг ўзига хос йўл-йўриқлари бор, – дейди "Ўзбекистон" маҳалласи хотин-қизлар фаоли Турдинисо Бердиқулова. – Зулфия аяннинг ҳужжатларини тиклашнинг бунинг йўли қўлдан қўйиб бўлмайди. Ҳужжатларини тиклашнинг бунинг йўли қўлдан қўйиб бўлмайди. Ҳужжатларини тиклашнинг бунинг йўли қўлдан қўйиб бўлмайди. Ҳужжатларини тиклашнинг бунинг йўли қўлдан қўйиб бўлмайди.

Фуқаролик. Биргина шу сўзнинг қадр-қиммати, асл моҳияти-ю, ижтимоий аҳамиятини оддий бир инсон ўлароқ доим ҳам билвермаймиз. Аммо йилларки шу юртда униб-ўсиб, меҳнат қилиб, бироқ фуқаро сифатида тан олинмай келинаётган инсонларни кўрганда, уларнинг бошидан ўтказган дарду ташвишларини эшитгандагина бунинг аҳамиятини янада теранроқ тушунаемиз.

Яшириб нима қилдик, яқин-яқингача мамлакатимиз

қадар, аниқроғи, 16 йил давомида республикамизда атиги 482 нафар фуқаролик олиш истагида бўлган шахсга ушбу мақом насиб этган. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти спортчилар. Аммо шундан сўнг, яъни 2007 йилдан 2016 йилнинг декабрь ойига қадар фуқаролик сўраб эшик қоққан ҳар қандай мурожаатчига мутлақо рад жавоби берилган.

Албатта, йиллар ўтди, қарашлар ўзгарди. Янгича ислохотлар даври бошланди. Президент Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида

сан, "Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги" Қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Қувонарлиси, қонунда фуқаролик институтининг асл мазмун-моҳияти, унинг ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги асосий тушунчалари аниқ-тиниқ қилиб белгилаб берилди. Қонуннинг 6 моддаси энг муҳим, таъбир жоиз бўлса, узоқ кутилган тарихий ўзгаришларга сабаб бўлди. Хусусан, ушбу моддага кўра, 1995 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган ва доимий рўйхатдан ўтган, чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган, ҳамда ушбу қонун кучга киргунига қадар фуқаролиги бўлмаган Ўзбекистон ҳудудига яшаш гувоҳномаси асосида яшаб турган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олинадиган бўлди. Натижада ҳозиргача салкам 50 мингдан ортиқ фуқаролиги бўлмаган ҳамюртларимиз қалбларига чинакам хурсандчилик кирди.

Янги қонуннинг яна бир муҳим жиҳати – бундан бўйига фуқароликни олмақчи бўлган талабгорлар қозғозбозлик, турли бюрократик тўсиқлар каби бош-оғриқлардан ҳоли бўлишади. Биргина мисол: "яшил паспорт" олиш учун топшириладиган ҳужжатларнинг сони 12 тадан 6 тага қисқартирилди. Умуман олганда, аризаларни қабул қилишнинг 3 та – умумий, соддаштирилган ва алоҳида тартиблари жорий этилди.

Албатта, бу ўзгаришлар ортидан кимларнингдир анча йиллик орузлари ушалди. Аммо гап фақатгина ниятлар рўйида эмас, бу ўзбекиона бағрикенглик, инсонийлик каби фазилатларимизни яна бир қарра жажон ҳаммамиятига ёрқин эсимиз этмоқда.

Нигора УРОЛОВА /Тошкент ҳақиқати/

Тарбия

Нега ўйинчоқ бозорида миллий брендимиз йўқ?

Бугун ўйинчоқлар оддий овунчоқ эмас, балки тарғибот қуроли ҳамдир. Ҳўш, ҳозирда болажонлар нима ўйнапти? Бозорларимизни қай турдаги ўйинчоқлар эгалламоқда? Улар ёш қорақўзларга нима беради? Ота-оналар ўз фарзандларини назорат қила оляптими?

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўйинчоқлар болаларнинг жисмоний фаоллигини оширади, дунёқарашини кенгайтиради, оламни ўрганишда кўргазмаларни қўриқ вази-фасини ўтайди. Болалар ўйинчоқ танлашига қараб, орзу-мақсадларини шакллантириб боради. Турли ўйинчоқ тўпламлари орқали нутқини ривожлантиради, ҳар хил вазиятларга баҳо беришни ўрганади. Қисқа қилиб айтганда, ўйинчоқ ўйнаш катта ҳаётга тайёргарлик вази-фасини ўтайди.

Видео ўйинлар эса болани чеклаб қўяди. Улардаги тайёр яратилган қиёфалар, тузилган диалоглар ва сценарийлар болани мустақил ва креатив фикрлашга йўл бермайди. Қўйида бозори чаққон ўйинчоқлардан айримларини эслаб ўтаемиз.

Ўйинчоқ ўй – 2-7 ёшдаги болалар учун пластмассадан ясалган, йиғилиши осон конструкция. Уйчани ўйин майдончалари ва турар-жойларга ўрнатиш мумкин. Асосан Туркиядан келтирилади. Нархи эса 150-200 АҚШ доллари атрофида.

Ўзи учар вертолёт – бу ипини тортса парраги айланадиган содда ўйинчоқдан фарқ қилади, у ростман парвоз қилади. USB кабель орқали қувват олади. Пастки қисмида сезувчи сенсори бўлиб, қўлни яқин олиб келганда ўзи ҳавога кўтарилади. 150-300 минг сўм атрофида сотилади.

LCD ёзув планшети – бу қўрилма болажонларни телефондан чалғитади ҳамда уларнинг ёзиш, чизиш, бўяш каби амалий қобилиятини оширади. Планшет экранда турли ранглар акс этади, ўчириш тугмаси бор. Батарея қуввати билан ишлайди.

Очиги, бизни ўйлантирадиган жиҳати, шу ва бошқа ўйинчоқларнинг барчаси хориж мамлакатларидан олиб келинади. Бироқ болажонларимиз қачонгача ажнабий юртларнинг "Spiderman", "Betman", "Mickey Mouse", "Barbie" каби брендларга маҳлиё бўлиб воёга етишади?

Яқинда бир тадбиркор "қош қўяман деб, кўз чиқарибди": соқолли гномчага дўппи ва чопон кийдириб сотувага чиқарган. Ахир, Европа афсоналари асосида ясалган ўйинчоқда ўзбекиона чехра йўқ-ку. Миллий бренд деганлари фақат дўппи дегани эмас-ку?!

Қачон Ўзбекистонда миллий ўйинчоқ брендлари яратилди? Бу ҳақида бош қотирадиган масъул ташкилот ёхуд илгор ишбилармонлар борми?

Умид БАХТИЁР




Ғамхўрлик

КИЧИК ЭЪТИБОРГА КАТТА ЭЪТИЁЖ

Вилоятда имконияти чекланганларга ногиронлик аравачалари ва бир қатор протез буюмлари бепул тарқатилмоқда.



А ҳ о л и н и ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож эътиёманд оилаларга эътибор қаратиш, айниқса, ногиронларга кенг имконият ва шароитлар яратиш бериш давлат сиёсатидаги муҳим йўналишлардан бири. Шу боис, вилоятимизда тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими томонидан эътиёмандларга ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари, қўлтиқтаёқ ва турли реабилитация воситалари манзилли етказиб берилмоқда. Жумладан, ишчи гуруҳ томонидан туман-шаҳарларда ўрганиш олиб борилганда, протез-ортопедия мослама-



Дарвоқе

Сир эмас, ўзбек киносининг бугунги аҳволи ҳавас қилгулик эмас. Сўнгги вақтларда суратга олинаётган аксарият киноларни кўриб, очиги, ажратилаётган сармоёга ачинасан, киши.

Халқимизга яхши таниш, бундан чамаси 30 ва ундан аввалги йилларда ишланган киноларни бугунгилари билан таққослаганда, ретро фильмлар савия ва маъно жиҳатдан анча юқорида туришини кўраемиз. Зеро, у даврдаги техникаларнинг имкониятлари ҳозиргиларидан анча паст бўлган. Шунга қарамай, мавзу танлаш олиш ва уни очиб бериш, актёрлар маҳорати эвазига дурдона фильмлар яратилган.

Ўз-ўзидан савол туғилади: ҳозир ёритилиши долзарб бўлган мавзулар йўқми? Бор, албатта. Биргина тарихий мавзуни жуда кенг ёритиш мумкинми?!

Бундан бир қанча вақт муқаддам дунёга машҳур Netflix компанияси Ўзбекистон ва Қозғоғистон билан ҳамкорликда Соҳибқирон Амир Темур ҳақида фильм суратга олишини эълон қилди. Ажаблანарлиси, фильмда асосий ишни қўшниларимиз амалга оширади. Бизникилар эса фақат тарихий обидалар учунгина ҳамкорликка чорланган. Яна ҳам очикроқ айтганда, орқа фон учун. Алам қиладигани, бу биринчиси эмас. Бундан 2-3 йил аввал турк кино ижодкорлари "Мендирман Жалолиддин" сериалини суратга олишганидан хабарингиз бор. Мазкур сериалда бизнинг актёрларга ҳам кенг ўрин берилди. Аммо назаримизда улар турк актёрлари соясидида қолиб кетгандек кўриниши, гўё.

Ташаббус

Тозалик акцияси

Бўстонлик туманида "Тозалик акцияси" ўтказилди. Мазкур тадбирда кўнгилчилар ва эквалентёрлар томонидан 4 гектар ер майдонидан 3 тонна яқин пластик ва турли маиший чиқиндилар йиғилди.

Охириги пайтларда ҳудудга сайёҳлар қатнови ортапти. Бироқ атроф-муҳит озодалигини сақлаш борасидаги ишларга етарлича эътибор қаратилмаётган эди. Ахир, бу бизнинг тарихимизку?! Нега бизнинг тарихимизни ўзгалар гавдалантиряпти? Бу саволга жавоб борми? Албатта, улар бизнинг аждодларимиз тарихини гавдалантириб, янада

Ўз муҳбиримиз

САНОАТ СОЯСИДАГИ "АЪЪЪАЪЪ"

машҳур бўлишади ва даромад топишади. Биз эса қараб ўтираверамиз. Бу борада корейслардан ўр-нак олиш керак. Улар 15-16 йил илгари суратга олган Когурё давлати асосчиси Жумонг ҳақидаги сериал ҳозирга қадар нафақат ўзларида, балки бошқа давлатлар, шу жумладан, юртимизда ҳам кўллаб муҳлисларига эга. Маълумотларга қараганда, ушбу сериал дастлаб 60 қисмдан иборат бўлган, аммо кейинчалик муҳлислар талабидан келиб чиқиб 81 қисмгача чўзилган.

Ёки Буюк Британия киноижодкорлари томонидан суратга олинган қирол Артур ҳақидаги "Афсунгар" сериали олайлик. Бу сериал ҳам дунёнинг қатор мамлакатларида муваффақият билан намойиш этилган. Бизнинг шу каби оғиз тўлдириб мақтанадиган тарихий фильмларимиз борми?

– Ўзбек киноси борган сари бақаналашиб бормоқда. Бунга биринчи навбатда "Ўзбеккино" миллий агентлиги сабабчи. Оддий тиббиёт мисолида оладиган бўлсак, ҳар бир клиника ва унда ишлайдиган шифокор беморга ташхис қўйишдан олдин Соғлиқни сақлаш вазирлигидан лицензия олиши шарт. Борди-ю, бирортасида уларнинг айби тўфайли бемор вафот этса, вазирлик уша клиникани ёпади, олдим, демек у халққа нимадир демоқчи. Афсуски, бугунги ўзбек киноси оламида савияли режиссёрлар кам. Бир денгизчидан аҳвол қандай деб сўрашганда: "Ёмон эмас, лекин чўкямиз", деган экан. Афсуски, ўзбек киноси ҳам чўкмоқда. Буни режиссёрлар ҳам таъкидлашмоқда. Ундан чиқиб учун эса бутунлай янги тизим, янги дастур ишлаб чиқиш керак. Балки бу кўп вақт талаб қилар... Аммо изланиш, интилиш, ўрганиш натижасида ўзбек киноси яна аввалги мақомини тиклаб, ундан ҳам ўзиб кетишига умид ўйғонади. Сиз нима дейсиз?

Сухробжон САДИРОВ /Тошкент ҳақиқати/





# Бўлар бола... боғчадан

Тажриба



Юқори Чирчиқ туманининг "Жумабозор" маҳалласида жойлашган 12-сонли мактабгача таълим ташкилотидан 142 нафар кичкинтой тарбияланмоқда.



— 150 ўринга мўлжалланган муассасамизда 41 нафар ходим фаолият юритмоқда, — дейди мудира Нафиса Маменкулова. — Улардан 17 нафари олий

маълумотли мутахассислар. Болаларни меҳнатга ўргатиб тарбиялаш мақсадида ўтган йили муассасамиз ҳудудида бир сотих иссиқхона ташкил этган эдик. Тадбиркорлар ёрдамида иссиқхона куриб битказилди. Мана, илк ҳосилни болалар билан бирга тердик. Бу ташаббусдан ота-оналар ҳам мамнун.

— Набирам Баҳорой ҳар куни боғчасидан бир янглик топиб келади, — дейди Аҳмадjon Усмонов. — Куни кеча ҳовлимизда ҳам иссиқхона курайлик, деб қолди. Ўзи ҳам кичкина бўлволиб, ҳовлидаги гулларга сув куйди, чангларини артади. Шуларни боғчадан ўрганипти, тарбиячилари барака топишин. Режага кўра, муассаса-



да 1 июндан 31 августгача болаларни ёзги соғломлаштириш ва чинқириш таълим-тарбия жараёнига қўшиб олиб борилади. Са-

баби, ёз фасли боланинг са-ломатлигини мустаҳкамлаш ва жисмоний қобилиятини тўғри ривожлантириш учун энг яхши палла. Соғлом-

лаштириш мавсумида қизиқарли ўйин машғулоти очик ҳавада ўтказилади. **Нигора ЭРКИНБОЙ ҚИЗИ**

**TOSHKENT HAQIQATI**  
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:  
**TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI**

"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

- Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)
- Ummat MIRZAQULOV
- Hotamjon SAYDAQHMEDOV
- G'afurjon MUHAMEDOV
- Shavkatjon RAHIMOV
- Tohir ARIPOV
- Ravshan RAIMOV
- Mahmud TOIR
- Uskenboy ATEMOV
- Abdulla XURSANOV
- Mahmudjon BOLTABOYEV
- Kumush EGAMBERDIYEVA
- Olimjon BEGALIYEV
- Zarifa ERALIYEVA
- Sergey MUTIN

Bosh muharrir:  
**G'ayrat SHERALIYEV**

Qabulxona:  
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:  
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:  
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:  
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:  
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

## Ёзги таътил — 2023



**СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЙДОНЧАЛАРИ**

2023 йил ёзги таътил даврида Тошкент вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси тизимидаги 144 та умумий ўрта таълим муассасалари қошида "Соғломлаштириш майдончалари" ташкил этилиб, айна кунларда ўз фаолиятини бошлади.

Маъмур Соғломлаштириш майдончалари 4 та мавсумга бўлиб ташкил этилади ва умумий 34 минг 560 нафар ўқувчи қамраб олинishi режалаштирилган. Махсус майдончаларда 893 та турли хилдаги фан ва спорт, ижодкорлик йўналишидаги тўғараклар, ўқувчиларни китобхонликка

бўлган қизиқишларини оширишга қаратилган лойиҳалар ва шу каби мазмунли тадбирлар амалга оширилади.

## Болалик боғи



— Қарасангчи, расмчи амаки буюқда...  
— Эй, жим тур. Беҳрузнинг қўлидаги самолётини қара...

Баъзида ёмон одамлар кўпайиб кетганидан нолиймиз, яхши одам қолмади, деб ҳам кўямиз. Ён-атрофимизда, ҳар бир қадамда одамларнинг, каттаю кичкиннинг бир-бировига яхшилик қилаётганини англамай ҳам қоламиз, қачонки ўзимиз бировга яхшилик қилмасак. Аслида кўчада бирга ўйнаётган йиқилиб тушган ўртоғини ўрнидан турғизиб қўйган болажоннинг ёки қўлидаги конфетини бериб, йиғлаб турган дугонасини овутаётган қизалоқнинг хатти-харакатлари яхшилик эмасми?

Бир куни шу кичкинтойлар улғайиб катта муруват, меҳр-оқибат эгаларига айланишса, не ажаб! Яқинда Республика гематология марказининг шундоқ ёнига жойлашган дорихонада навбат кутиб турар эканман, тахминан, 90

ёшлар атрофидаги онахон билан сотувчи қизнинг суҳбати эътиборимни тортиди. Онахон шифокор рецептини доришуносга узатди, дорилар рўйхати ҳам узун экан шекилли, уларни Бу сотувчига малол келди. Кекса аёлнинг ноилжонлигини сезса ҳам оғринибгина қайта ҳисобназдан чиқиб кетди.

Худди онахонга мен яхшилик қилганимни ҳеч ким билмасин, ҳеч ким танитмасин, деган каби кўздан гойиб бўлди. Бу ердигилар нима бўлганини англагунларича у одам йўқ эди.

Йигитни икки дунё саодатидан бахраман этгин... — Энди қарзимни қандай қайтараман? У кишини танимасам, — деди бошини эгиб. — Эҳтимол, ўзининг дори харид қилишга олиб келган пулидир бу. Шунча катта маблағни мендек бир бегона учун тўлаб, ўзи дори ҳам харид қилмасдан, бунинг устига ўзини танитмасдан кетди-я, барака топгур...

Тўрамирзо ОРИПОВ, истаъфодаги подполковник

# Эзгулик занжири

топиб, тўплаб, елим халтачага жойлагунча сотувчининг анча вақти кетди. Харидор дориларни олар экан, ҳаменидаги бор пули оладиган дориларнинг бешдан бирига етишини билди... Ноқулай вазиятга тушиб қолди, олай деса, пули қимматбахо дориларнинг нархи олдида уроқ ҳам бўлмаяпти, олай деса, эҳтиёжи бор, бунинг устига сотувчини анча овора қилди...

ни бериб юборинг, пулини мен тўлайман, — деди навбатда турган бошқа бир киши ва кўз очиб юмгунича дориларнинг ҳақини тўлаб, тезлик билан дорихонадан чиқиб кетди.

Фақатгина сотувчи онахонга "Дуо қилиб қўйинг, бугун жума куниди дориларнинг пулини тўладилар", деди. Кекса онахон эса дориларни олишга хижолат бўлар, нуқул "Пул озроқ экан, уйда пул бор эди, нега пулларини олдингиз, олманг, қайтариб беринг", деб талмовсираб, дудуқлар нар эди. Онахонга "У киши сиздан дуо олиш умидида шундай қилди", деб тушунтиришганларидан кейин ўзини тўхтата олмай йиғлаб юборди ва кўз ёшлари билан узоқ дуо қилди: "Аллоҳим, барча беморларга ўзинг шифо бергин, халқимизни, одамларимизни шундай меҳр-оқибатли қилиб қўйганингга ҳамду санолар бўлсин. Нотаниш

— Сизнинг қарзингиз қилган дуоларингиз эвазига узилди, — дейишди дорихонада навбат кутиб турган одамлар. — Сизга ўхшаган ёши улугларнинг савобта-лаб инсонларга қилган дуолари уларни ҳам, бизларни ҳам, дунёни, юртимизни ҳам турли бало-қазолардан асраб турибди. У кишининг мукофотини Яратганининг ўзи берсин, илоҳим... Дарҳақиқат, халқимиз орасида ўша нотаниш кишига ўхшаган саховатпеша инсонлар жуда кўп. Биз уларнинг эҳсонларини бирини билсак, қанчасидан бебахармиз. Хуфёна қилинган эзгулик занжири барчамизнинг дилмиизни яхшилик билан боғлаб, инсонлар орасида ана шу тарзда давом этверсин. Ҳаёт бир лаҳзалик тушга ўхшайди, икки эшик ораси каби. Туғилмасиз-у бир эшикдан кириб келамиз ва иккинчи эшикдан чиқиб кетаверамиз... Шундай экан, ҳар биримиз омонат дунёда яхшилик қилишга улғуриб қолайлик, азизлар!

Navbatchi muharrir:  
**Erali NORBEKOV**

Mas'ul kotib:  
**Alloma AZIZOVA**

Navbatchi:  
**Nozima RASULOVA**

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.  
Bosishga topshirildi - 22.00  
Nashr ko'rsatkichi - 205.  
Buyurtma G-631.  
7 271 nusxada chop etildi.  
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2.  
**Bahosi kelishilgan narxda.**

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida  
2011-yil 12-yanvarda  
03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzillimiz:  
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90.  
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2.  
**ISSN 2010-9318.**

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.  
**Korxonasi manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.**  
123456